

Козогистонда иккинчи бор «Kazakhstan International Halal Expo 2011» деб номланган кўргазма бўлиб ўтди. 100 нафарга якин ишлаб чиқарувчилар “Халол ишлаб чиқариш”га нечоғлик хисса кўшаётганликларини намойиш қилдилар. Мусулмонлар учун бундай кўргазмаларнинг яхши томони шундаки, Халол махсулот ишлаб чиқарувчилар бор ҳақиқатни очик-ойдин кўрсатиб берадилар. Козогистонлик мусулмонларга эса бу ҳолат икки қарра ёқимлидир; чунки ҳам козок қорхоналари, ҳам Россия қорхоналари қатнашадилар. Россияда масалан “Халол” белгиси бор “Орбит” сақичини кўрмаслигини мумкин, аммо Козогистонда мазкур сақични “Халол” логотипи билан ишлаб чиқариш осон. Санкт-Петербургдаги сақич ишлаб чиқарувчи қорхона Халол-сертификатлашдан ўтди, натижада айнан козок харидорлари учун сақич ишлаб чиқариш имконига эга бўлди. Россияда бундай қорхоналар ўнлаб топилади.

### **Козогистон “Халол”ининг отаси – “Халол”**

Бундан етти йил муқаддам ҳеч қим қорхоналар сони 600 га етади деб ўйламаганди. Буларнинг барчаси ҳам мусулмон дастурхонининг тўқин-сочинлиги учун меҳнат қилмоқда.

Козогистонга дастлаб “Халол стандарт” атамасини олиб келиб, фаол ишга киришган киши – Марат Сарсенбоевдир. Айнан унинг меҳнатлари эвазига мазкур стандарт – давлат миқёсида эътироф этилиб, тасдиқланди.

Ҳақиқатан, ушбу стандартларни аниқлаштириш мақсадида Малайзиядан тортиб, то Тотористонга қадар сафар қилишига тўғри келди.

Россияда халол стандартларни амалиётда қенг қўллаган “Халол” кўмитаси ва “Тест-Татарстан” – Республика Услугий Маркази мутахассислари билан танишганидан сўнг, Марат Сарсенбоев ўша стандартларнинг айнисини ўз ватанида ҳам тасдиқламоқда. Ростки, у ёқда мазкур ишга бирмунча жиддий ёндошишди. Ушбу масалани Козогистон Республикасининг Ишлаб чиқариш ва янги технологиялар Вазирлигининг техник назорат ҳамда метрология бўйича кўмитаси қошидаги №57-махсус кўмита назорат қилиб туради. Бугунги кунда Марат Сарсенбоев козоклар орасида “Халол турмуш тарзини” тарғиб қилиш билан шугулланмоқда; ва айни дамда Козогистон “Халол” махсулотлари ассоциациясининг Президенти сифатида фаолият юритмоқда.

Унинг ассоциациясида тахминан 20 киши ишлайди, ҳамда турли хил йўналишларда махсус бўлимлар ҳам очилган.

“Бугунга кунда компания – гўшт, нон, қандолат, сут-қатик махсулотлари ва ичимликларни қайта ишлаш устида фаолият олиб бормоқда.

Бундан ташқари, халол-хизмат кўрсатувчи компаниялар, ресторанлар, қаҳвахона, ошхона, меҳмонхона, клиникалар; мусулмон либослари тикадиган ва дизайн билан шугулланадиган ательелар ҳам бор. Шунингдек, халол дори-дармон, халол атир-упа ишлаб чиқарувчи компаниялар; халол банкчилик, логистика, саёҳат, спорт, таълим – бундай соҳаларнинг халол турлари кун сайин ривожланиб бормоқда. Биз ушбу соҳа ва

йўналишларнинг барчасини халқаро стандартларга мос равишда “халол сертификация” билан таъминлашга hozирмиз,” – дея таъкидлайди ўз ишининг мохир устаси Марат Сарсенбоев.

Хакикатан, бугунги кунда давлат пойтахти бўлган Остонанинг ўзида қарийб 5 та халқаро стандартларга мос бўлган меҳмонхона бор. Улар орасида албатта нуфузлилари ҳам топилади.

“Халол – биз учун ҳаёт тарзидир, – дейди конференцияда сўзга чиққан Марат Сарсенбоев. – Бизнинг ҳаётимиз тўлиғича, батамом халоллашмоғи лозим. Ва буни сизу-биз тўлиқ англаб етишимиз зарур. Кундалик истеъмол қиладиган озиқ-овқат маҳсулотларимизга шу қадар кўп ҳаром нарсалар кўшиляптики, буни ҳатто тасаввур ҳам қила олмаймиз.”

Ҳар ерда ҳозир нозир чўчка гўшти

Марат Сарсенбоев ўз касбидан келиб чиққан ҳолда маърузалар ўтказишни ҳуш кўради. Умуман олганда, унинг: “Жуда кўп озиқ-овқатларга Исломда ҳаром қилинган чўчка гўшти қўшилади; ва бундан сақланиш учун фақат халол маҳсулотлардан фойдаланишимиз лозим” қабйлидаги мулоҳазаларини эшитган вақтда, ўйга чўмамиз, Халол сертификатнинг нечоғли муҳим эканлигини яна бир қарра англаб етамиз гўё. Асл касби шифокорлик бўлган Марат Сарсенбоев ўз фикрларини илмий равишда исботлаб беришга ўрганган ва бу ишни жуда ажойиб тарзда уддаламоқда. Бундан ташқари, унинг ўз ҳамкасблари, тарафдорлари ҳам талайгина. Улар ҳам Сарсенбоев сингари (масалан: оддий сут ва тухум ) учун “Халол” стандарт бўйича сертификатлаш зарурлиги борасида сўз юритдилар. (Козогистонда, айтганча, сут маҳсулотларини сертификатлаш иши тўлиғича йўлга қўйилди.)

Ундан кейинги навбатда (маъруза йтилиб бўлгач) хитойликларнинг – парофин, гипс ва желатин ёрдамида “қалбаки” тухум ишлаб чиқарганликлари ҳақидаги “Биринчи канал” томонидан тасвирга олинган фильм намойиш қилинади.

## **Халқаро даражага интилиш**

Сўнгги йилларда Халол-маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳаси жуда кенг ривожланиб бормоқда. Ислом палатасининг ахборот ва тадқиқот Маркази (ICRIC) маълумотларига кўра, 2009 йили дунёда 1,7 миллиард мусулмон бўлган, ҳамда “Халол” белгилли товарларнинг айланмаси 632 миллиард АҚШ долларини ташқил қилган.

Сўнгги маълумотларга кўра аҳолисининг деярли 72 фоизи мусулмон бўлиб ҳисобланадиган Козогистон ҳам – ушбу бизнесда қатнашишга ҳайрихоҳ. Лекин ҳозирча “Халол” маҳсулотларнинг барчаси фақат ички бозоринигина қоплаб қелмоқда. Аммо

интилиш бор.

Козогистон давлати кандай килиб халкаро бозорга чикиш хакида бош котираётган мана шундай паллада Россия компаниялари Козогистон бозорларига фаоллик билан кириб келмокдалар. Аксариятининг фикрлашича: “Халол белгиси билан киришлик – энг афзал йўлдир”. Буни вақт кўрсатади. Аммо, ҳар икки давлатда ҳам “Халол маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш”нинг муҳим омили – ўзаро бир-бирларининг “Халол” белгиларини тан олишлиқдир.

Козогистондаги мазкур кўргазмада Ислом палатасининг ахборот ва тадқиқот Маркази (ICRIC)нинг Россия вакиллиги раҳбари, Россия “Халол” стандарт кўмитасининг раиси – Динор Содиков ҳам иштирок этди. Айнан Динор Содиков ўзи номидан – Марат Сарсенбоев ва унинг сертификатга эга бўлган уюшмасини Козон шаҳрида бўлиб ўтадиган «KAZANALAL-2012» кўргазмасига таклиф қилди.

Балки яқин кунларда, Россияга ҳам, Козогистонга ҳам тегишли бўлган “Чегара Иттифоқи” ўз фаолиятини бошлагач, Халолни ривожлантириш бўйича мутахассислар ҳам – ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартномалар тузиб қолишар. Зеъро, бугунги кунда кўплаб Россиялик корхоналар айнан Ўрта Осиёни кўзлаганлиги боис Халол-сертификатлашни бошлаб юборган.

Ахмад Холиков